Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 10 июль шанба

Сотувда эркин нархда

№ 136 (2174)

БЕДОР ЎЙ

Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ





ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июль куни Оқсаройда Қирғизистон Республикаси Бош вазири Омонгелди Муралиевни қабул қилди.

— Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги алоқалар тобора ривожланиб бораётир, — деди Ислом Каримов. — Бироқ тан олиш керакки, ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш йўлида тўсиқ бўлиб турган айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Уларни имкон қадар тезроқ бартараф этиш Ўзбекистон учун ҳам, Қирғизистон учун ҳам бирдек фойдалидир.

Учрашувда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг Дўрмон қароргоҳида бўлиб ўтган мажлиси якунларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар кўламини янада кенгайтириш, бу борада зарур чора-тадбирларни биргаликда амалга ошириш, ўзаро сиёсий ва маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов иштирок этди.

Қабул чоғида Қирғизистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Б.Сидиқов ҳозир бўлди.

(ЎзА)

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган суратлар.

Хушхабар

«Ил-114» мустақиллик йилларида Ўзбекистон авиасозлари томонидан ишлаб чиқарилаётган замонавий, тежамкор самолётлардан биридир. Йўловчи ташиш учун мўлжалланган ҳар томонлама қулай, компьютерли бошқарув тизимига эга бўлган ушбу ҳаво кемаси бундан бир йил аввал Тошкентдан Наманганга дастлабки техник рейсни амалга оширган эди. Кеча янги самолёт бир гуруҳ наманганликларни манзилига етказиб, мунтазам қатновни бошлади.

САМОЛЁТГА ГАП ЙЎҚ

Бортида 29 йўловчини олиб келган ярқираб турган самолочини экипажини Наманган аэропортида карнай-сурнай садолари остида нон ва туз билан қарши олишди. Тўпланганларнинг барчаси «Ил-114»нинг дастлабки йўловчиларидан янги техника ҳақида фикрларини сўрашганида «Учиш жуда яхши ўтди, самолётга гап йўқ!», дея жавоб қайтаришди бараварига.

— Замонавий рақамли бошқарув тизими ва авиация мажмуасига эга бўлган «Ил-114», — дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Эгамберди Полвонов, — бугун биз билан бирга учиб келган йўловчиларнинг ҳаммасига ёқди. Айниқса, барча талабларга жавоб берадиган йўловчилар салони ихчам ва жозибадорлиги билан кишининг кайфиятини кўтаради. 50 ўринга эга бўлган ҳаво кемасида тамаддихонагача бор. У «Як-40»га нисбатан икки баравар кўп йўловчи олгани ҳолда, ёқилғини ундан икки баровар кам сарфлаши билан характерлидир. Ўйлайманки, янги само қуши наманганликлар ва бутун мамлакатимиз авиайўловчиларининг ишончли транспортига айланиб қолади.

Шундай қилиб, «Ил-114» мамлакатимизда биринчи бўлиб Наманганга мунтазам қатнай бошлади. Шу куни унда учиб келганлар эндиликда ҳар куни пойтахтга парвоз қиладиган бу ҳаво кемаси хизматидан бажонидил фойдаланишни ният қилганликларини айтдилар.

Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

АВВАЛ ҚОНУНГА ВА ЯНА ҚОНУНГА СУЯНИНГ

Ўтган йилнинг кузи эди. Сурхондарёдаги бир ижарачининг даласига бориб қолдик. Унинг таъби хира эди. Билсак, ижарачини бригадир роса обориб- обкепти. Қаматиб юбораман, дея дағ-даға қилибди. Сабаби, ижарачининг ўз эрки бўйича деҳқончилик килгани. Бригадирнинг айтганига юрмагани.

XXI аср сари

— Қаматиб юборса, нима қиламан, — дейди бечора йиғламоқдан беш баттар бўлиб. Унинг тўпори қўрқувини кўриб роса кулибмиз. Сўраб-суриштирсак, у ерни жамоа ширкат хўжалигидан йигирма йилга ижарага олган экан. Ўртада шартнома бор. Бригадирни, ҳатто унинг ерига киришга ҳаққиям қолмаган-у...

Бу билан нима демоқчимиз. Юртдошларимиздан баъзилари ҳануз ҳақ-ҳуқуқларини билишмайди. Ижара нима? Шартноманинг масъулияти нима? Мулкчилик ва эгалик ҳуқуқи қандай бўлади? Буни уқмаган ҳолда, кўр-кўрона деҳқончилик қилаётганлар бор-да. Ҳалиги бригадир эса эски даққиюнуслардан. Отдан тушсаям, эгарда у. Тизгинни бергиси келмайди. Деҳқоннинг омилигидан фойдаланмоқчи бўлади.

Мустақиллигимизнинг дастлабки куниданоқ ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан боришликка бел боғладик. Юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш учун Олий Мажлис томонидан зарур қонунлар қабул қилинди. Биз қураётган ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар фақат қонунга бўйсунишлиги тенгликнинг катта ифодаси эди. Бунинг учун, аввало, оддий халқдан тортиб раҳбаргача ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг юксак, мукаммал бўлишлиги назарда тутилган. Раҳбарки, ўз ҳуқуқини билгани ҳолда оддий фуқаро йўл-йўриқни тушунмаса, ёки аксинча бўлса, у ерда қонун устувор бўлишлигига шубҳа бор. Ҳозир ақсарият тадбиркорлар ўз фаолиятларига оид қонунларни сатрмасатр биладилар. Мағзини чақадилар. Чунки уларни бунга аввалида ҳаётий зарурат мажбур этган эса, кейинчалик изланиш шу сари етаклаган. Негаки, тадбиркор қараса, қонунни, ҳуқуқини билганнинг иши юришиб бораяпти. Қонунни билган жисмоний шахс ўзини фақат қонунбузарликлардан тийибгина қолмасдан, ҳалол меҳнати эвазига йирик сармоя эгасига айланаяпти.

Йўламанг, ҳамма тадбиркорлар ҳам ундаймас, қонунни билгани ҳолда қаршиликка учраётганиям бор. Абдужаббор Раупхўжаев Қибрай туманидаги Салор ГЭС маҳалласида чойхона очганди. Қаровсиз, ташландиқ ерда тикланган бу жойдан аҳли-улус баҳраманд эдилар. Яхши ният ила мулкдор уни хусусийлаштириб олади. Мулк эгалик бўлгач, янада ободонлашди. Бироқ, ўша хусусий чойхона туман ҳокимининг шу йил 7 апрелдаги 202-сонли қарори билан А. Раупхўжаевдан тортиб олиниб, маҳалла ихтиёрига ўтказилади. Мана ўша қарор. «Қибрай тумани ҳокимининг 1995 йил 15 сентябрдаги 396-сонли қарорига асосланиб, фуқаро Раупхўжаев Абдужабборга бириктириб берилган 0,052 гектар ер майдонида жойлашган хусусий чойхона биносини Салор ГЭС маҳалла фуқароларининг 1999 йил 30 январдаги баённомасига асосан шу маҳалла ихтиёрига қолдирилган деб ҳисоблансин». Ана холос. Ҳўш, ҳоким тўғри иш қилдими? Албатта, йўқ. У билгани ҳолда мулкчилик тўғрисидаги қонун талабларини бузмадими? Мулкнинг дахлсизлигига путур етказмадими? Энди ўша мулкдорни қонун устувор бўлишлигига ишонтириб кўринг-чи?

Шу ўринда бир ривоят эсга тушиб қолди. Суқрот Афина давлатидаги қонунбузилиш, хато ва камчиликларни доимо танқид остига оладиган шахс эди. У халқ орасидаги маърузаларида бу борадаги ўз қарашларини дадил туриб ҳимоя қиларди. Қонунни ҳар нарсадан устун тутарди. Бундан газабланган ғаниимлар ундан қасд олиш пайига тушадилар ва судга берадилар. Суд ҳар хил туҳмату тўқималарни асос қилиб олиб, Суқротни ўлимга маҳкум қилади. Буюк файласуфнинг шогирдлари бундан ташвишланадилар. Устозлари ҳаётини сақлаб қолиш чорасини излайдилар. Сўнг пул тўплаб, қўйиб юбориш учун қамоқхона нозирларига пора берадилар. Ўша заҳотиёқ зиндоннинг қопқоқлари очилади. Аммо Суқрот ўрнидан жилмайди. У ўз таълимотига содиқ қолгани ҳолда қонунни бузмайди. Қочишдан кўра қонуний ўлимни хоҳлайди. Шу-шу халқ орасида Суқрот ибрат бўлиб қолган экан! Кўрдингизми, ҳақиқатгўй бир инсон яшашдан кўра қонунни афзал билди. Ва қонуннинг қудратини авлодларига улкан қалъа каби инъом этиб кетди.

Демак, ҳуқуқий билимли, маданиятли инсонлар жамиятни маънавий инқироздан асраб қолади. Халқни оқил ва одил йўлдан бошлайди. Қадамба-қадам унга қайси ҳаракати ҳақ, қайбири қонунга зидлигини уқтириб, тарбиялаб боради. Тарбияни эса, табиийки, болаликдан бошламоқ зарур.

Бунинг учун **биринчидан**, ёш, мурғак болага Алифбо билан баб-баробар Ҳуқуқ фанини ўргатиб, унинг танглайини Қонунни билиш — дунёни билиш, эканлиги ила кўтармоқ зарур. **Иккинчидан**, албатта бу учун болани Алифбодек ўзига ром этадиган дарслик лозим бўлади. **Учинчидан,** ҳуқуқ фанидан сабоқ беришга амалиётчи юристларни жалб этиш дастурини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. **Тўртинчидан**, синфдан-синфга ўтишда ушбу фандан имтиҳон олмоқлик илм толибларидаги ҳуқуқий билимни чуқурлаштиришга хизмат қилади. Ана шундай босқичда ўрта маълумот олган ўзбекистонлик деҳқонни ҳуда-беҳудага қаматаман, деб кўринг-чи?! Ёки бирон-бир амалдор чойхоначининг хусусий мулкини ўзининг қонунсиз қарори билан бекор қилишга жазм этармикан?!

Қурбон ЭШМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Қирғизистон Республикаси Бош вазири Омонгелди Муралиев 9 июль куни Ўзбекистонга ташриф буюрди.

"Дўрмон" қароргоҳида Ўзбекистон Бош вазири Ў.Султонов ва Қирғизистон Бош вазири О.Муралиев иштирокида Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг мажлиси бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатларни чуқурлаштириш, маданий алоқаларни кенгайтириш, қатор бошқа соҳалар бўйича ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, сув энергетикаси ва транспорт соҳаларидаги алоқалар, шунингдек, икки томонлама муносабатларнинг пойдеворини янада мустаҳкамлайдиган янги ҳужжатларни тайёрлашга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мажлис якунида икки мамлакат Бош вазирлари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси ҳамда жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзолади. Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов ҳамда Қирғизистон Бош вазирининг ўринбосари К.Омаралиев ҳукуматлараро қўшма комиссия мажлисининг протоколига имзо чекди. Шунингдек, Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлиги билан Қирғизистон Меҳнат ва ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги ўртасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва таъминлаш масалаларида ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Шу куни Қирғизистон Республикаси Бош вазири мамлакатимиз пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишди. О.Муралиев Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, бу ерда юртимиз тарихидан ҳикоя қилувчи экспонатларни томоша қилди. Шунингдек, Қирғизистон Бош вазири Тошкентдаги Хотира майдонини ҳам бориб кўрди ва мотамсаро она ҳайкалини зиёрат қилди.

(ЎзА)

ЗАРАРКУНАНДАЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ – МУҲИМ ВАЗИФА

Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ғўза парвариши, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши кураш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари қатнашди.

Йиғилишни Бош вазир ўринбосари, республика қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов олиб борди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимёвий тадқиқотлар марказининг раҳбари Ш.Маҳамадалиев, "Ўзкиметаъминот" бирлашмаси раиси Б.Ғаффоровнинг ҳисоботлари тингланди.

Ўтган йили ғўза зараркунандаларига қарши кураш суст олиб борилганлиги сабабли кўпгина туманларда пахта ҳосилдорлиги жуда паст бўлди. Бу йил ҳам қишнинг илиқ, ёзнинг ёғинли келиши зараркунандаларнинг кўпайишига муайян шароит яратди. Натижада айрим туман ва вилоятларда кўсак қурти, чигиртка, ўргимчаккана ҳамда бошқа зараркунандалар кўпайиб бормоқда. Бунинг олдини олиш, зараркунандаларга қарши кимёвий ва биологик усул билан курашиш бугунги куннинг муҳим вазифаси бўлиб турибди.

Шуни таъкидлаш керакки, Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистон Республикалари билан чегарадош туманларда зараркунандалар бошқа туманларга қараганда икки-уч баравар кўп эканлиги қайд этилмоқда. Бу мазкур кўшни давлатларда зараркунандаларга қарши кимёвий ва биологик усул билан курашиш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигидан далолат беради. Масалан, бу йил Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг Туркманистон билан чегарадош туманларидаги кўплаб гектар ғалла майдонлари занг касалига чалинди. Мутахассисларнинг фикрича, бу касаллик Туркманистон ҳамда Тожикистонда кенг тарқалган ва шамол ёрдамида бизнинг ҳудудимизга ҳам етиб келган.

Сўнгги пайтларда республикамиз ҳудудида чигиртканинг ҳам кўпайгани кузатилди. Бу йил мамлакатимиз бўйича 331 минг гектар майдондаги экин чигирткадан зарар кўрди. Чигиртка ҳам асосан кўшни давлатлардан ўтиб келмоқда. Айниқса, Қозоғистон билан чегарадош туманларда вазият мураккаблигича қолмоқда. Тошкент вилоятининг Чиноз туманидан 20 километр узоқликдаги Қозоғистон ҳудудида чигиртканинг жуда катта ўчоғи мавжуд. Лекин кўшни мамлакатда зараркунандага қарши кураш етарли даражада олиб борилмаётганлиги туфайли чигиртканинг бизнинг ҳудудларимиз, чунончи Чиноз ва Янгийўл туманлари экинзорларига ҳам зарар келтириши хавфи бор. Шунинг учун Ўзбекистон томони ўз ҳисобидан маблағ ишлатиб, Қозоғистон ҳудудидаги 20 километрли масофада зараркунанда ўчоғига бир неча марта дорилар билан ишлов берди.

Мажлисда чигиртка, кўсак қурти, ўргимчаккана ва бошқа зарарли ҳашоратларга қарши курашни кучайтириш, уларни мамлакатимиз ҳудудига ташқаридан киришига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўриш зарурлиги таъкидланди, бу борадаги аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов иштирок этди.

(ЎзА)

ШУ СОНГА ХАБАР

"Ғалла-99"

ХАТИРЧИЛИКЛАР ЗАФАРИ

Навоий вилояти Хатирчи тумани ғаллакорлари зафар қучди. Улар 17 минг тонналик хирмон уйиб, давлатга дон сотиш шартнома режасини бажардилар.

Туманда ғалла ўрим-йиғими уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгорланиб, такрорий экинлар экилмоқда.

(ЎзА)

ҚАБУЛ МЕЗОНЛАРИНИ ҲАЁТ БЕЛГИЛАЙДИ

Шу йилнинг 2 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1999/2000 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Айни кунларда ушбу қарорда кўйилган вазифаларни бажариш ва ундаги кўрсатмаларни амалга ошириш юзасидан республика олий ўқув юртларида қизғин иш бошланиб кетди.

Шу муносабат билан газетхонларнинг талаб ва истакларига биноан, мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидахрор ҒУЛОМОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.

— 1999/2000 ўқув йилида республика олий таълим муассасаларига талабалар қабул қилиш жараёни қандай янгиликлари билан ажралиб туради? Жумладан, қандай янги таълим йўналишлари жорий этилмоқда? Уларнинг ҳозирги давр талаблари нуқтаи назаридан зарурлиги нимада?

— 1999/2000 ўқув йилида республикамизнинг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги ҳукумат қарорига кўра жами 46833 ўринга давлат грантлари ва контракт асосидаги қабул квоталари ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилги қабул режаларига нисбатан 10 фоиздан ортиқроқ, аниқроғи, 4833 ўринга кўпдир. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, 1000 дан ортиқ ўрин Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг долзарб вазифаларидан бўлмиш бевосита педагог кадрлар тайёрлаш учун қўшимча ажратилди.

Бу йил илк бор 26 та олий таълим муассасасида 226 та мутахассислик бўйича магистратурада ўқиш учун талабалар қабул қилиш режалаштирилди. Тиббиёт олий таълим муассасалари қошида жорий йилдан ташкил этилаётган 3 йиллик олий малакали ҳамшираларга тайёрлаш бўлимларига ўрта махсус тиббий маълумот негизида қабул амалга оширилади.

Долзарб мавзу

Президентимиз ташаббуси билан Тошкент Ислом университети очилиши туфайли соҳанинг малакали мутахассислари, олим ва педагогларини тайёрлаш мақсадларида Исломшунослик, Ислом ҳуқуқи каби янги йўналишлар жорий этилди. Қабул режаларига киритилган янги йўналишлар қаторида Халқаро туризм, Сервис (туризм соҳасида), Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси, Лойиҳавий молиялаштириш, Бизнес бошқаруви, Ташқи иқтисодий фаолият, касбий педагогик тайёргарлик бўйича турли соҳа йўналишлари, янги технология ва технологик жараёнларнинг истиқбол йўналишлари ва шу кабилар бор. Қайд этилган йўналишларнинг жорий этилиши республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларидан келиб чиқиб Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши вазифалари, янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, халқаро ҳамжамият билан алоқаларнинг ривожланиши, ҳар бир босқичда халқаро фаолиятининг кенгайиши билан узвий боғлиқдир.

(Давоми 3-бетда).

ЖАҲОЛАТ ВА УНИНГ САБОҚЛАРИ

Шукр қилганнинг ризқи зиёда бўлади

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Оллоҳ Таоло Қуръонининг «Таҳрим» сурасида **«Ўзингизни ва болачақа, хонадонингизни дўзах ўтидан сақланг»** дейди. Яъни «дўзахий қилиб қўйманг, ёмон тарбият бериб қўйманг, лоқайд бўлиб қолманг», дейдй. Чунки ота-онанинг хатти-ҳаракати, шахсий ибрати болага кўчади. Болаларига тарбия бериш деганда фақат одобли бўл, ақлли бўл деб қолмай, ҳатто танаввул қиладиган нарсасининг фарқига боришни ҳам ўргатиш лозим, дейилади шариатда. Бировларни алдаб, зулм ўтказиб, ҳаққини олиб келиб болаларига едиргандан кейин, у болалардан ким чиқарди? Ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормаган бола ота-она, ватан қадрини билармиди?

Афсуски, советлар давридаги динсизлик сиёсати инсонларни савоб, гуноҳ, ҳалол, ҳаром деган нарсаларга бефарқ қарайдиган қилиб қўйди. Бунинг аччиқ оқибатини кўриб турибмиз.

Ёшлар тарбиясини бузаётган яна бир масала бор. Бу ота-оналарнинг ўринсиз пойгаси. Қанақа пойга дерсиз? Тўй пойгаси, иморат пойгаси, машина олиш, кийинтириш пойгалари. Худойилар деб номланган бойваччалик қилиш, кўп ош дамлаш, қимматбаҳо кийимлар кийиш, ортиқча зеб-зийнатлар тақиш пойгасидан ҳам тийилиш керак. Боламга яхши едирсам, яхши кийинтирсам, яхши одам бўлади, деб ўйлайди баъзилар.

Фарзандларнинг қорни ҳақида эмас, қалби ҳақида, қадри ҳақида қайғуриш керак. Ҳалол луқма едириб, катта қилиш зарур. Ҳозирги пайтда болаларимиз орасида савдо ишлари билан машғуллари оз эмас. Лекин уларга бир эътибор берайлик: бировнинг ҳаққидан қўрқаяптими ёки қўрқмаяптими? Бировнинг ҳаққидан қўрқмайдиганлар учрайди. Оллоҳ инсоф берсин шундайларга. Мактабдаги ўқитувчиларимизни биз ҳурмат қилардик, тўғриси, қўрқардик ҳам. Бугунги ўқитувчиларнинг обрўси қандай? Нега улардан айримларини ўқувчилар менсимайди? Айтишга ҳам тили бормайди кишининг, чунки бундайлар болаларнинг ота-оналаридан «пора» олиб, обрўсини кетказиб қўйган. Бундай ўқитувчининг насиҳати таъсир этадими шогирдларига? Жиноий оқимларнинг пайдо бўлиш сабабларидан яна бири — сабрсизлик ва ношукрчиликдир. Ҳаёт фақат ебичишдан иборат, деб ўйлайдиган, ватанни, миллатни, миллий ғурурни тушунмаганларга ўша фитначиларнинг фатволари маъқул кўринаяпти. Айрим ёшлар уларнинг садақаларига қул бўлиб қолишаяпти. Ўзбекистонимизда ҳеч ким очдан ўлмайди, аммо очкўзликдан ўлиши мумкин. Очкўзликдан!

Парвардигор эгам бу азиз диёрга, ўзбек халқининг бахту саодатига, ўзбек халқининг дили қандай пок бўлса, нияти қандай равшан бўлса, ана шундай дили пок, элим, юртим деб ёниб яшайдиган жонкуяр, имонли, буюк бир инсонни йўлбошчи қилиб берди. Шак-шубҳасиз, биз мўмин-мусулмонлар буни Оллоҳ Таоло сизу биз инсонларга кўрсатган катта бир саодат, деб билишимиз керак. Теварак-атрофимизга кўз ташлайлик: нотинчлик, ғалва, урушлар... Худога шукр, ўлкамизда тинчлик-осойишталик, эл-улус хонадонида маърака, осмонимиз мусаффо, ободончилик авжида, илм-маърифат равнақ топмоқда. Ақл билан ўйлаб, фикр юритсак, шукр қилсак арзийди.

Таассуфки, ношукр, дили бузуқ, нияти қора кимсалар қаерда бўлмасин бир-бирини топиб келиб, ёмон ишлардан мамнун бўлади. Айб қидириб, пашшадан фил ясайди, кичик қусурни ҳам катта қилиб кўрсатади. Одамларнинг қалбига турли ғулғула солишга ҳаракат қилади. Ношукр кимса Оллоҳ олдида энг малъун бандалар қаторида турар экан. Оллоҳ Таоло ўз каломида дейди: **«Эй бандаларим, Сиз шукр қилсангиз, мен ризқингизни зиёда қиламан. Агар ношукр бўлсангиз менинг азобларим қаттиқдир».**

Ўзингиздан қиёс қилинг, бир инсонга арзимаган яхшилик қилсангиз, ёрдамингизни олиб туриб, яхшилигингизни кўриб туриб, яна сиздан ношукрчилик қилаверса, сизни ҳадеб ёмонлайверса... Чунки яхшиликни билмаган инсонга яхшилик қилганингизга пушаймон ейсиз. Мусулмончиликда инсоф, диёнат деган нарсалар муқаддасдир. Ҳар бир ишимизда инсоф қилайлик, бу диёрда, шу замонда ношукрчилик қилишлик гуноҳи азимдир.

Яқингинада Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан Тошкент Ислом университети очилди. Истиқлолгача бу нарсалар йўқ эдику. Ўзим гувоҳи бўлган бир воқеани айтиб берай. 1978 йили Тошкент шаҳридаги шайх Зайниддин бобомиз номидаги масжидда имом бўлиб хизмат қилардим. Шунда масжид бир деворининг

Ҳушёрликка даъват

олар экан. Чунки инсоннинг қалби мажруҳ, имони заиф бўлса, худди ўзига ўхшаган одамни топиб олади. Бундайлар ҳеч қачон пок жойларга боролмайди, яхши одамларга қўшила олмайди. Яхшиликни кўра олмайди. Ҳамма яхшиликдан ғаши сувоғи тушиб кетди. Шуни суваш керак бўлиб қолди. У замонларда юқорининг рухсатисиз бундай ишларга қўл уриб бўлмас эди. Ўзбекистон раҳбарияти рухсат беришга журъат этолмади. Бир гуруҳ уруш қатнашчилари номидан Москвага ёздик. «Биз ким уруш қатнашчилари, шу Тошкент шаҳридаги Шайх Зайниддин масжидининг сувоғи тушиб кетган деворини тузатиш учун рухсат беришингизни сўраймиз?». Москвадаги Дин ишлари бўйича қўмитадан олти ой деганда, ўша сувоғи тушган жойнигина сувашга рухсат, деган жавоб келди. Ана шундай эди динга муносабат илгари. Буни билармикин ҳозирги ёшлар? Менимча, бошимиздан кечирган шундай таққирларни фарзандларимизга кўпроқ гапирсак яхши бўларди.

Ўша вақтда мусулмонлар Макканинг суратини кўриб, кўзларига суртиб, йиғлашар эдику: «Эвоҳ умр ўтди, зиёрат қила олмадик» — деб.

Бугунги дориломон замонда баъзи қора кучларнинг динни ниқоб қилиб чиқиши, жиҳод қилиш фикри билан юриши нобакорликдир. Жиҳод — бу фақат қон тўкиш эмас, балки яхши йўлга даъват қилиш ҳамдир. Бунга пайғамбаримизнинг қуйидаги муборак сўзлари яққол далилдир. Имом Бухорий ривоят қилган саҳиҳ ҳадисларда айтилади: **«Ёмон йўлдан қайтариш ҳам жиҳод, бола-чақаларни йўлга солиш, одоб-аҳлоқ ўргатиш ҳам жиҳод, энг афзал жиҳод — сидқу тақво билан қилинган ҳаждир».**

«Жавонул Карим» кимтобида келтириладики, «Динда ғулув чиқазишликдан сақланинглар, сизлардан олдинги уммат-лар, ғулув чиқариб ҳалок бўлишган. Оллоҳ офат юборган. Ғулув — бу фитна, ношукрлик, бу фирқага бўлиниб кетиш, ноаҳилликдир. Пайғамбаримиз Муҳаммад (САВ) марҳамат қилиб айтган эканлар: «Бир замонларда бир гуруҳлар чиқади. Ўзлари ёшлардан бўлади, гапга чечан, ояту ҳадисдан гапиради. Аввалларидек тез чиқарлар. Ёмонлари бўғизларидан нарига ўтмаганлар, улар ўлимга ҳукм қилинганлар. Негаки, ҳамма ёшларни чалғитиб, диндан чиқаради, бузуқ фикрлар билан оят, ҳадисларга қарши иш олиб боради».

Ҳозирги кунда ношукур айрим ёш кимсалар, бу Ҳадиси шарифдан ўзларига бир хулоса чиқариб олсалар, яхши бўлар эди.

Халқнинг маънавиятини, динини, тилини синдириб бўлмайди. Истиқлолимиз туфайли она тилимиз, динимиз, тарихимиз, фахру-ғуруримиз қайтариб берилди. Буларнинг баҳоси борми? Нафс бандалари ҳамма нарсани нон, гўшт билан ҳисоб-китоб қилади. Ҳайвонот боғида сақланаётган махлуқлар учун гўшт, емиш тайёр, лекин эркинлиги, озодлиги йўқ! Қани, ўзича тоғу-тошга, табиат қўйнига чиқиб кўрсинчи, озодлик ахир панжараларнинг ичида берилган минг таомлардан афзал-ку. Ёшларимизга чет мамлакатларга бориб ўқиш қаёқда эди. Бу хаёлга келганми?

Истиқлолнинг шукрини қилиш ўрнига, Худодан шу замонамиз тинчини сўраш ўрнига, ҳасадчиларга, душманларга эргашиб, ундайларнинг бемаъно ғояси учун ўз умрларини хазон қилаётган илмсиз, онгсиз, бемеҳр, муҳаббатсиз ёшларга бир томондан ачинасан. Бизда диний эркинлик йўқ, дея аюҳаннос солаётганларга қараб туриб ёқангни ушлайсан, киши. Ҳей нодон, Ислом дини бизнинг қалбимизга, дилимизга ўрнашиб кетган, буни ҳеч ким суғура олмайди. Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда, деб турибдилар Юртбошимиз. Ҳар бир виждони, имони, инсофи бор инсон учун шу сўзнинг ўзи катта мадад-ку. Ўзларини динпарвар, халқпарвар қилиб кўрсатганларнинг асл мақсадларини билдик, кирдикорларини кўрдик. Улар ҳамон ўзга юртларда санқиб юришибди. Ҳамон ўзларини беозор мусичадек қилиб кўрсатишга уринишаяпти.

Чет элларга қочиб бориб, ҳаром луқмага учиб, ивго-бўҳтонларни тарқатиб, қабиҳ ишларни қилиш — бу мардниг иши эмас. Мардмисан, хатоларингни бўйнингга ол! Агар ориятинг, ҳамиятинг бўлса, «Шуларни адаштирган мен эдим», деб кел. Минг афсуски, бундайларнинг қалбида ҳасад, адоват жуда ҳам илдиз отиб кетган бўлади. Бир мутафаккир: «Ҳамма касалликка даъво бор, лекин ҳасадчининг ҳасадига даъво йўқ», деган экан. Яна бир одил подшоҳ айтган экан: **«Мен ҳаммани рози қилишим мумкин, лекин ҳасадчини рози қила олмайман. Чунки унга менинг саодатли давлатимнинг емирилиши керак. Уни рози қилолмайман, унинг қалби касалланган».**

Дили пок, иймони бутун ўзбек халқи, шу заминда яшаётган ҳар бир фуқаро тоза ниятлар, улуғ мақсадлар, савобли амаллар билан яшамоқда. Дили пок, нияти пок бандаларини Яратганнинг ўзи қўллайди, ўзи асрайди, иншооллоҳ!

Фозилқори ЁСИН ўғли.

Муносабат

Ўтган ҳафта Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш қилинган "Февраль воқеалари" хужжатли-публицистик фильм Хоразм вилояти жамоатчилигини ҳам бефарқ қолдирмади. Унда кўтарилган долзарб мавзулар меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида, қишлоқларда ва шаҳарлар маҳаллаларида қизғин муҳокама қилинмоқда.

ҲАР БИРИМИЗ ЖАВОБГАРМИЗ

— Бу фильм кўп нарса ҳақида ўйлашга, кундалик ҳаётимиздаги кўп нарсани қайта баҳолашга ундайди, - дейди уруш ва меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Урганч туманидаги "Дўстлик" маҳалла кенгашининг аъзоси Саъдулла Каримов. - Ундаги айрим эпизодларни, айниқса, Тошкентдаги портлашлардан сўнг пайдо бўлган вайроналарни, бегуноҳ қурбонлар устида йиғлаётган аёлларнинг қайғусини кўриш жуда оғир, лекин бундай фожеа такрорланмаслиги учун биз буни билишимиз ва эсда тутишимиз лозим.

Кейинги пайтда тинчлик, халқ фаровонлиги учун масъулиятни, мамлакатимизда осойишта яшаш ва меҳнат қилиш мумкинлигини барча фуқаролар, жумладан, биз, фахрийлар ҳам сезишимиз лозимлиги ҳақида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдим, - деб давом этади С.Каримов.- Хоразм вилояти ҳудудида, Саримой деган жойда содир этилган фожеа ҳам бизга сабоқ бўлиши керак. Бу ерда бир гуруҳ мутаассиб жангарилар йўловчилар тушган автобусни эгаллаб олиб, бир неча кишининг ҳалок бўлишига сабаб бўлди. Ҳозир Урганчда бу фожеа айбдори бўлган жиноятчилар устидан суд ниҳоясига етмоқда. Уларнинг орасида бизнинг қишлоғимизда туғилиб ўсган йигит ҳам бор. Демак, фақат унинг ота-онаси, ўқитувчисигина эмас, биз, оқсоқоллар ҳам ниманидир эътибордан четда қолдирган эканмиз. Мамлакатимиз раҳбари ҳаммамизни ҳушёрликка беҳуда чақираётгани йўқ.

Т. ШАМАКОВ, ЎзА мухбири.

ЁШЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ

16 февраль воқеалари қандай содир бўлди? Бу воқеалар иштирокчиларининг кўпчилигини нега ёшлар ташкил этди?

Навоий вилояти ҳокимлиги ва «Камолот» ёшлар жамғармаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ўтказган «Келажагимиз ёшлар қўлида» деб номланган учрашувда ана шу саволлар таҳлил этилди. Учрашувда вилоятдаги олий таълим ва коллежлар талабалари иштирок этдилар. Вилоят ҳокими Ғ. Дилов мамлакатимизда ёшларга Президентимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор тўғрисида гапирди.

Навоий Давлат педагогика институти доценти Т. Хўжаев Президентимиз «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!» сўзлари моҳиятини шарҳлаб берди. АҚШдаги нуфузли ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар — Шавкат Абдураҳмонов, Баҳодир Шарипов, Ихтиёр Худоёров, Алишер Муҳиддиновларнинг сўзлари учрашув иштирокчиларида, айниқса, катта таассурот қолдирди.

Учрашув сўнгида ўқиш ва спортда муваффақиятга эришаётган ёшларга эсдалик совғалари топширилди. Шундай учрашувлар Навоий туманидаги «Офтобжон» болалар ёзги дам олиш оромгоҳида, Зарафшон шаҳри ҳокимлигида, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарлари ва Томди тумани ёшлари билан ҳам ўтказилди.

Парда ЖУМАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида мамлакатимиз ҳукумати ва Жанубий Корея Республикаси ҳукумати ўртасида Корея Республикаси Иқтисодий ривожлантириш бўйича ҳамкорлик жамғармаси (EDCF) томонидан республикамизга имтиёзли, узоқ муддатли заём ажратиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Мазкур заёмнинг берилиши мамлакатимиздаги телекоммуникация тизимларини қайта жиҳозлаш ва уни ривожлантиришга кенг йўл очиб, DTS тизимидаги 40 мингта рақамли йўналишларни ва бошқа ускуналарни монтаж қилиш, коммуникацион тизимлардан фойдаланишни техник қўллаб-қувватлаш имконини беради. Фарғона водийсининг Тошлоқ, Водил, Қува, Андижон, Асака, Хонобод ва Қорасув каби тўққизта шаҳар ҳамда аҳоли пунктларидаги алоқа тизимлари 46 минг йўналишли ҳажмга эга бўлган янги станциялар билан жиҳозланади.

Юқорида қайд этилган мақсадларга, икки давлат ҳукуматлари ўртасидаги шартномага мувофиқ, 12,5 миллиард корея вони (10 миллион АҚШ долларидан зиёд) миқдоридаги имтиёзли, узоқ муддатли кредит ажратиш кўзда тутилган. Кредит йилига 3 фоизлик устама билан 5 йиллик имтиёз бўйича 20 йиллик муддатга берилмоқда. Қурилиш ва монтаж ишларини икки йилда тугатиш мўлжалланган бўлиб, 2001 йилда станция ва узатиш тизимларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Шартномани Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси Ёнг Ха Чей ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Рустам Азимов имзолади.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ - ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

1999 йил 10 июль куни, соат 10.00 да институтга кирувчилар учун

ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИНИ ЎТКАЗАДИ.

ИНСТИТУТИМИЗГА МАРҲАМАТ!



Манзилгоҳ: Мовароуннаҳр кўчаси, 20 - уй.

11 июль — Бутун жаҳон аҳоли нуфуси куни

ОЛТИ МИЛЛИАРДГА ЕТДИК

Жаҳон аҳоли нуфуси санаси БМТ ташаббуси билан ўн йилдан буён нишонланиб келинмоқда. Кўзда тутилган асосий мақсад — халқаро жамоатчиликнинг диққат-эътиборини аҳоли нуфуси соҳасидаги муҳим муаммоларга жалб этишдан иборат.

Бу йилги халқаро аҳоли нуфуси куни «Олти миллиард куни» белгиси остида ўтказилади. Бу рақамни тасодифан келтирмадик. Таҳлилчиларнинг айтишича, шу йилнинг ўртасига келиб, яъни шу кунларда жаҳон аҳолисининг сони олти миллиардга етди. Қиёслаш учун қуйидаги рақамларни келтирамиз: 1927 йилда жаҳон аҳолисининг сони 2 миллиардни ташкил этган бўлса, 1987 йилга келиб, 5 миллиарддан ошиб кетди.


Жаҳон аҳолисининг олти миллиардга етиши нимани англатади? Бу бир жиҳатдан, инсонлар умрининг узайиши, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат муаммоларининг бартараф этилаётганини, ижтимоий хизматларнинг яхшиланаётганини кўрсатади. Иккинчи жиҳатдан эса, жаҳон аҳолиси нуфусининг ортиб бориши ҳукуматлар олдига қатор иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни қўяди.

Умумжаҳон масалаларни ҳал этиш учун БМТ аҳоли нуфуси жамғармасини (ЮНФПА) ташкил этган бўлиб, мазкур жамғарманинг ваколатхонаси 1997 йилдан буён мамлакатимизда иш олиб бормоқда. ЮНФПА илк фаолиятини аслида 1992 йилдан бошлаганини ҳам айтиб ўтиш лозим.

Иш фаолияти асосан уч дастур бўйича олиб борилди. Бу дастурлар йўналиши оилани режалаштиришни ўз ичига олган саломатликни ёппасига тиклаш, бутун оила саломатлиги, аҳоли нуфуси ва коммуникация бўйича хабардорлик, гендер, жумладан мамлакатни демографик баҳолашдан иборат.

ЮНФПАнинг аҳолини ёппасига соғломлаштириш дастурига асосан ишлар мамлакатнинг учта вилоятида — Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларида олиб борилди. Тиббиёт ходимларининг менежментлик ўқуви ўтказилди. Ёппасига соғломлаштириш марказларини тузиш бўйича техник ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, аҳоли нуфуси жамғармаси аҳолини рўйхатга олиш учун навбатдаги тайёргарлик пайтида ҳукуматга кўмаклашади. Бизнинг маълумотнома: ЮНФПА маълумотлари бўйича 1998 йилда Ўзбекистон аҳолисининг сони 24,1 миллион нафарни ташкил этган. Мамлакатимиз аҳолиси нуфуси 2025 йилга бориб 36,5 миллион кишига етади, деб тахмин қилинаётир.

«Туркистон-пресс».



— Ҳар йили республикамизда пахта чигитидан ёғ ажратиб олингандан кейин ҳосил бўладиган чиқинди — шрот минглаб тоннани ташкил этади, фақат чорва озуқаси сифатида ишлатиларди, — дейди кимё фанлари доктори, Янгийўлдаги «Микрэл» қўшма корхонасининг илмий маслаҳатчиси Темур Юнусов. — Ваҳоланки, шрот таркибида кўплаб миқдорда оқсил бор. Оқсил эса инсон саломатлиги учун ғоят фойдалидир. Биз эндиликда корхонамизда шротдан ана шу қимматли моддани ажратиб олаяпмиз.

Агар бугунги кунда жаҳонда 1,5 миллиард нафар аҳоли оқсил етишмаслигидан азоб чекаётгани ҳисобга олинса, янгийўллик тадбиркорлар ишининг самоғи яққол намоён бўлади. Бу мўъжиза эмасми?

СУРАТЛАРДА: тайёр маҳсулотни қуритиш цехида; 3-смена бошлиғи Абдували Солиев.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЭЛГА МУНОСИБ ХИЗМАТ ҚИЛИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати институтида бу ўқув юртини учинчи йил битириб чиққан офицерларни шарафлаш маросими бўлди.

Институт ҳовлиси ҳақиқий байрам майдонига айланган: ҳамма жойда гуллар, ҳарбий оркестр садолари янграмоқда, меҳмонлар чеҳрасида табассум... Майдонда курсантлар тантанавор саф тортиб туришибди. Минбарда Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р.Иноятов институт бошлиғи, генерал-майор У.Убайдуллаевнинг олий ўқув юрти шахсий таркибининг маросимга тайёрлиги ҳақидаги ахборотини қабул қилади. Ота-оналар ҳаяжонда: уларнинг фарзандлари қийин ўқув давридан ўтишди, улар ҳуқуқий билимларни, чет тилларни эгаллашдан ташқари, машаққатли ҳарбий хизмат сирларини ҳам ўргандилар.

Барчанинг диққати тантана "айбдорлари"га қаратилган. Оқ байрам либосидаги бу ёш офицерларга ҳавас билан қарашади. Оналар қувонч кўз ёшларини тиёлмайдилар. Ахир, уларнинг фарзандлари ўқиш даврида ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан қай даражада камолга етганини кўрсангиз эди! Институтда курсантларнинг жисмоний тарбияси учун барча шароит яратилган. Спорт зали ва майдонлари, қишки чўмилиш ҳавзаси уларнинг ихтиёрида.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг кўп ўтмай мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Миллий хавфсизлик хизмати институти тез орада республиканинг нуфузли махсус ўқув юртлари қаторидан жой олди. Ҳукумат эътибори, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда ўқув юрти раҳбариятининг саъй-ҳаракати туфайли институтнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланди, аудиториялар зарур техник ускуналар, замонавий компьютерлар билан жиҳозланди. Курсантларнинг машғулот ўтказиш ва дам олишлари учун барча шароит яратилган ётоқхона мавжуд.

Олий ўқув юртини битирганларнинг дипломида махсус ҳарбий билимдан ташқари ҳуқуқшунослик мутахассислигини эгаллагани ҳам қайд этилган. Давлат имтиҳонлари натижалари Миллий хавфсизлик хизмати сафлари юксак малакали ходимлар билан тўлаётганидан дарак беради. 14 нафар курсант ўқув юртини имтиёзли диплом билан битиргани бунинг далолатидир. Ёш офицерлар майдонда, тантанали равишда Миллий хавфсизлик хизмати раҳбарлари қўлидан ўзлари беш йил мобайнида орзу қилган ҳужжатни олишди.

Ёш офицерларни Миллий хавфсизлик хизмати раиси, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар қизғин табрикладилар. Сўзга чиққанлар ёш офицерларни Ватанга муносиб хизмат қилишга даъват этдилар ва уларга омад тиладилар.

Тантанали маросим институт курсантларининг ўзлари ёзган сафда куйланадиган ватанпарварлик қўшиғини ижро этиш билан якунланди. Сўнгра Миллий хавфсизлик хизмати раиси институтни битирганлар шарафига қабул маросими уюштирди.

(ЎзА).

ҚАБУЛ МЕЗОНЛАРИНИ ҲАЁТ БЕЛГИЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Хукумат қарорида халқаро журналистика, журналистлик мутахассисликларига қабул тўғрисида ҳам гап боради. Бу мутахассисликларга қабул қайси олий таълим муассасаларида бўлади?

— Маълумки, журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига хукумат миқёсида алоҳида эътибор қаратилиб, бу тизимни такомиллаштириш борасида жорий йилда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди. Журналист кадрлар тайёрлаш сифатини кўтариш мақсадида «Журналистика» ва «Халқаро журналистика» йўналишлари бўйича кадрларни тайёрлаш республиканинг учта салоҳиятли университетида мужассамлаштирилди. Булар — Тошкент давлат университети, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ҳамда Қорақалпоқ давлат университети. Бундай мужассамлаштириш илмий, илмий-педагогик салоҳиятдан максимал самарали фойдаланиш, ушбу йўналиш кафедраларини зарур замонавий техника воситалар билан таъминлаш, янги педагогик технологияларни унумли жорий этиш имкониятларини беради.

— Бу йил олий таълим муассасаларида бир гуруҳ битирувчиларга фан бакалаври дипломи берилди. Айни пайтда, бакалавриат негизида аниқ мутахассисликлар бўйича магистратурага қабул бошланади.

Шу муносабат билан газетхонларимиздан, олий таълимдаги бакалавриат ва магистратура босқичлари нимани англатади, уларнинг ўзаро қандай фарқи бор, деган саволлар тушаяпти.

— 1998/1999 ўқув йили якуни бўйича олий таълим муассасаларини 16300 бакалавр битириб чиқди. Дарҳақиқат, бакалаврларимизнинг ишлаш соҳалари, бакалавр даражаси қандай лавозимларга мутаносиблиги, бакалавр даражаси олий маълумот берадими, магистр даражаси учун ўқишнинг нима зарурияти борлиги аксарият фуқароларимизни қизиқтиради. Кўтарилган саволларга қабул қилинган «Таълим ҳақида» ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳақида»ги Қонунларда тўлиқ жавоблар мавжуд. Шу билан бирга, яна бир бор таъкидлаб айтиш мумкинки, **бакалавриат** - ихтисосликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар бериб, **таянч олий маълумотни** эгаллашга мўлжалланган. **Магистратура** аниқ бир ихтисослик бўйича **фундаментал ва амалий билимлар** бериб, **бакалавриат негизида олий таълим даражасини** эгаллашга мўлжалланган. Шундай экан, бакалавр даражасининг соҳиби таянч олий маълумот эгаси бўлади, албатта. Магистратурада барча соҳаларнинг зарур ва долзарб ҳамда истиқболли ихтисосликлари мажмуи ўз аксини топган. Магистратура битирувчилари аниқ ихтисосликни илмий йўналтирилган дастурлар асосида ўқиб, ўз ихтисосликларини ҳар томонлама ўрганган, илмий асосларини эгаллаган юқори даражадаги мутахассислар бўлиб чиқадилар.

— Бакалаврлар тайёрлашнинг дастлабки натижаларидан қониқиш ҳосил бўлаяптими?

— Олий таълим муассасаларини дастлабки битирувчи бакалаврлари олий таълимнинг дастлабки Давлат таълим стандартлари асосида тайёрланди. Ушбу стандартларда олий таълим йўналиш ва ихтисосликлари классификаторидан тортиб ҳар бир фаннинг ҳажм ва мазмуни бўйича минимал талаблар меъёрлари белгиланган. Уларни ишлаб чиқишда илм-фаннинг охирги ютуқлари, халқаро тажриба, етакчи олим ва профессор-ўқитувчиларимиз тажрибаларидан фойдаланилди. Шу билан бирга, бакалавр битирувчиларимизнинг якуний Давлат аттестацияси натижалари уларнинг касбий тайёргарлиги, олган билими ва эришган савияси талаб даражасида бўлишига ишонтиради.

Долзарб мавзу

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, яқинда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг мустақил Ватанимиз тарихида биринчи бўлиб бакалаврлик дипломига сазовор бўлган ёшлар номига йўллаган Табриги, ишончимиз комилки, бу ёшларнинг ҳаётида тарихий воқеа бўлиб қолади ва уларга катта куч-ғайрат бағишлайди.

— Магистратура олий таълимнинг энг юқори малака босқичи ҳисобланади. Бунда 3 минг нафар талаба қабул қилиниши белгиланган. Шу билан бирга, шундан 1,2 минг (яъни 40 фоиз) талаба давлат грантлари, 1,8 минг (яъни 60 фоиз) талаба тўлов-контракт асосида қабул қилиниши кўрсатилган. Магистратурадаги қабулнинг мана шу нисбати республикада магистрлик таълимининг сифатига таъсир кўрсатмайдими?

— Аксинча. Магистратура илк бор жорий этилаётгани эътиборга олиниб, айнан сифатни талаб даражасида таъминлаш учун ҳам ҳозирги босқичда ёппасига барча соҳалар, мутахассисликларни қамраб олиш мақсади қўйилмаган. Биринчи навбатда, олий таълим муассасаларининг илмий, илмий-педагогик, моддий-техника салоҳиятлари, Давлат аттестацияси натижалари, қолаверса маркетинг изланишларига таянган ҳолда, сифат таъминланиши кафолатланадиган 26 олий ўқув юртида 226 мутахассислик бўйича магистр кадрлар тайёрлаш бошланади. 1999-2000 ўқув йили давомида белгиланган энг нуфузли кафедралар базасида магистратуранинг ўқув жараёни, услубий ва меъёрий таъминланиши, хар ҳандай янги ишлардаги каби табиий вужудга келиши мумкин бўлган бошқа масалалари таҳлил қилиниб, такомиллаштирилиб борилади.

— Бу йилги олий таълимга қабулнинг янгиликларидан бири шуки, тиббиёт олий таълим муассасалари қошида илк бор 3 йиллик олий малакали ҳамширалар тайёрлаш бўлимлари очилаяпти. Аслида, ҳамширалик хизмати тиббиётда ўрта хизмат босқичи ҳисобланади. Модомики шундай экан, ҳамшираларнинг «олий малакали таълими» нимани англатади?

— Олий малакали ҳамширалар тайёрлаш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Фармонида қўйилган эди. Бу вазифалар халқаро тажриба ва ҳаётий заруратдан келиб чиққан. Ҳамширалик ишининг серқирралиги, жуда кенг спектрдаги малакалар, жумладан юқори малакалиликни (акушерлик, анестизиология учун ва ҳ.к.) талаб этиши азалдан маълум. Ҳамширалик касб эгаси сифатида қаралиб, унинг барча халқаро тажриба ва етакчи олим ва профессор-ўқитувчиларимиз Сиз ишлатган иборадаги каби «ўрта хизмат босқичи»га ҳамширалик хизматини мужассамлаштириб бўлмайди.

Қолаверса, бу ривожланиш, тараққиёт қонунларига амал қилиш, уларни тан олишдир. Негаки, биз маълум бир қабул қилинган таълим тизимида қатъий, догматик, қотиб қолган тузилмалар яратиб олиб, уларга кўр-кўрона амал қилиш фикридан узоқмиз.

Бизнинг таълим тизимимиз барча ҳаётий ўзгаришларга тайёр бўлиши, уларга тўғри, адекват жавоб бера олиши, ривожланиш ва янгиликларни қабул қила олиши Президентимиз раҳбарлигида яратилган «Кадрлар тайёрлаш миллий модели»нинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

— 1999-2000 ўқув йилида олий таълим муассасаларига қабул тўғрисидаги давлат қарорида «кадрлар тайёрлаш соҳасидаги маркетинг изланишлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасаларига иқтидорли ва қобилиятли ёшларни танлаб олиш» тўғрисидаги ибора бор. Бозор иқтисодининг ушбу тушунчаси таълим тизимига кириб келишини нималар тақозо этган?

— Бозор иқтисодининг пойдевори яратилаётган бир даврда таълим тизими ҳам мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий структурасига чамбарчас боғланиб, изма-из ривожланиши зарур. Акс ҳолда, тизим «киши қадами етмаган орол» ҳолатига тушиб қолиши муқаррар. Таълим хизмати кўрсатишнинг рақобатга асосланган бозорини шакллантириш вазифалари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган. Бу вазифаларни бажариш йўлида ҳукуматнинг мувофиқ қарори асосида вазирликда, олий ўқув юртларида маркетинг хизматлари ташкил этилди. Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида дастлабки маркетинг изланишлари натижалари улар нафақат қабул кўрсаткичлари, йўналиш ва мутахассисликларни режалаштириш, балки кадрлар тайёрлашнинг келажак истиқболларини белгилаб олиш ва ҳаттоки таълим дастурларини такомиллаштириш омили бўла олишини кўрсатди. Бу эса таълим тизими ҳам яратилаётган бозор иқтисодига асосланган янги ижтимоий, иқтисодий муносабатлар мажмуида фақат унинг умумий қонуниятлари билан бирга ривожланиши мумкинлигининг намунасидир.

Суҳбатдош:
М. САФАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бугун озиқ-овқат дўконларида ун ва ун маҳсулотлари етарли эканлигидан харидорлар хотиржам. Уларни энди сифат ҳамда нарх масаласи қизиқтирмоқда. Хоразмда сотувчидан «Ун борми?» деб эмас, «Хонқа уни борми?» деб сўралиши шундан далолат. Зеро, «Хонқадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятида тайёрланган ун ва ун маҳсулотлари ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради.



ИНТИЛИШ БОР ЖОЙДА ДАРОМАД БИСЁР

Корхонанинг замонавий техника воситалари буғдойни харидорбоп унга айлантиргунча етти марта тозалайди. Мабодо сифатсиз хомашё қабул қилингудек бўлса, улар қайта ишлашдан «бош тортадилар».

Жамоа ҳам ўз зиммасидаги вазифани астойдил бажаришга, яъни тезкорлик ва пухталик билан, керак пайтда етти ўлчаб бир кесиб ишлашга одатланган.

Бу йил ғаллани қабул қилиш мавсуми, айниқса, катта тайёргарлик кўрилган ҳолда ўтказилди. Атиги тўрт кун ичида туманнинг улкан ҳосил хирмони беками-кўст омборларга жо бўлди.

Иш уч сменада ташкил этилганлиги, буғдой корхонанинг уч жойида қабул қилингани, транспорт воситаларини қабул жойида кўп ушламаслик охир-оқибатда тезкорликни таъминлашга хизмат қилди.

Умуман олганда, акциядорлик жамияти тўрт минг тоннадан зиёд ғалла қабул қилиб олди. Шунинг 380 тоннаси уруғлик ҳисобланади.

— Куч-ғайратларини бир жойга жамлаб, ғалланы жадаллик билан қабул қилиш яхши, албатта. Аммо бу тезкорлик сифат масаласига эътиборнинг сусайишига олиб келмайдими? — сўрадик лаборатория мудираси Муниса Заппаровадан.

— Биз ҳам етиштирилган ҳосилдан ғаллакорларимиздан кам бўлмаган даражада манфаатдормиз, — дейди у. Қабул қилиш вақтидан анча олдин жамоа ва ширкат хўжаликларида бўлиб, буғдойнинг сифати, уруғликларнинг самарадорлиги билан қизиқиб борамиз. Шу сабабли ғалланинг сифати бизга асосан маълум. Қолаверса, қабул қилиб олаётганда ҳам жиддий текширишлар ўтказамиз.

Лаборант Баҳодир Каримов суҳбатга қўшилди.

— Бу йилги буғдойнинг сифати ўтган йиллардагига қараганда анча яхши. Ҳосилнинг аксарият қисми юқори навларга қабул қилинди. Бу уруғчиликка эътибор кучайтирилганлигининг, ғаллакорларимизнинг тажриба ва билимлари ортганлигининг самарасидир.

У сўзини исботламоқчи бўлиб, қўлига бир сиқим буғдой олди.

— Мана, ўзингиз кўринг.

Бўлиқ ва салмоқдор, қатиқ доналар қуёшда тилладек товланиб кетди.

Қўшимчаси шуки, корхонада хомашё сифатини аниқлаб, сертификатлар бериш бўйича синов маркази ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ундан нафақат буғдойнинг, балки барча дон турлари, шунингдек, шолининг белгиланган стандартларга қандай жавоб бериши тўғрисида қисқа муддатларда аниқ шаҳодатлар олиш мумкин. Вилоятдаги барча жамоа ҳамда ширкат хўжаликлари, фермерлар ва деҳқонларнинг ҳам синов марказига иши тушиб турганининг боиси шунда.

— Ўз меҳнатларининг самарасидан фермер хўжаликлари аъзолари ҳам хурсанд, — дейди марказ мудираси Гулбаҳор Муродова. Улар етиштирган ғалла ҳам давлат стандартларига мос.

Бу йил акциядорлар жамоаси вилоят учун ғоят катта аҳамиятга эга бўлган масъулиятли ишни — 6 минг тонна сара уруғлик тайёрлашни бошлаб юбордилар. Ана шу мақсадда ташкил топган уруғлик базаси энг замонавий дон тозалаш воситалари билан жиҳозланди.

Дарвоқе, улар иқтисодий нафни ҳам унутишганича йўқ. Чунки йиллик самараларда, хусусан, акцияларга тўланадиган дивидендлар миқдорини белгилашда бу кўрсаткич муҳим аҳамиятга эга эканлигини улар яхши биладилар.

Агар ўтган йилнинг беш ойи мобайнида жамоа жами 1 миллиард 32 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, бу йил шу муддатда ана шу кўрсаткич 1 миллиард 463 миллион сўмдан зиёд бўлди. Шунга яраша соф фойда даражаси ҳам ўсди.

Корхона ўтган йили ўз маҳсулотларини асосан воситачилар орқали сотган эди. Бу умумий даромада ўзининг акс таъсирини кўрсатгани учун, бу йил улар аксарият воситачиларидан воз кечдилар. Техника воситалари, ишчи кучи етарли бўлган бир шароитда уларга деярли эҳтиёж ҳам қолмаган эди. Бу бир неча миллион сўмлик даромаднинг тежалишига олиб келди.

Яна бир диққатга сазовор далил. Ўтган йили аҳоли буғдойини ун қилиб бериш эвазига корхона 10 миллион 76 минг сўм даромад топган эди. Бу йил бу рақам 20 миллиондан зиёд бўлиши мўлжалланмоқда.

Ўз даромадларини олдиндан аниқ ва пухта ҳисоб-китоб қилиб чиққанлиги ҳамда шартнома тузган ташкилотларнинг мустаҳкам ишончи боис жамият топшириладиган ҳосил учун олдиндан аванс ҳам тўлаб туради. Масалан, бу йил тумандаги жамоа хўжаликлари 71 миллион сўмлик аванс учун қарздор бўлиб қолишгани йўқ.

Корхонанинг макарон цехи ҳам ўз фаолиятини такомиллаштирмоқда. Бу ерда Италия технологияси асосида янги линия ўрнатилди.

Ўтган йилги иш якунлари бўйича корхонанинг ҳар бир юз сўмлик акциясига 52 сўмдан дивиденд белгиланди. Бу чакки натижа эмас, лекин бу жамоа аҳлини кўп ҳам қаноатлантираётгани йўқ. Бу йил дивидендлар кўпайиши кутилмоқда. Бу эса акциядорлар жамоасининг истак-интилишлари, эзгу ниятлари ушалишига катта умид уйғотади.

Сотим АВАЗ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ҒАЙРАТ»НИНГ СЕРҒАЙРАТ КИШИЛАРИ





Наманган туманидаги «Ғайрат» жамоа хўжалиги иқтисодий жиҳатдан бақувват, сертармоқ, сердаромад қишлоқ хўжалиги корхоналаридан бири. Ҳозирда жамоанинг жами айланма маблағи 37 миллион сўмни ташкил қилаяпти. Албатта, бундай юқори кўрсаткичга эришишда омилкорлик бош сабаб бўлмоқда.

Бугунги кунда хўжаликни лабораторияга қиёслаш мумкин. Бу ерда бир неча йилдан буён бошоқли ғалла экинларини етиштириш синаб кўрилаяпти. Изланишлар маҳсули сифатида яратилган «Ғайрат» навли буғдой бу йил Улуғбек Отахонов масъул бўлган пудрат даласида синалмоқда.

Яқинда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг масъул ходимлари Германиядаги ўсимликшунослик ва уруғчилик билан шуғулланувчи фирманинг махсус маслаҳатчиси профессор Эрвин Лангер билан бирга ушбу ҳамкор хўжаликка келиб, бир гектар ерга экилган қанд лавлагининг ўсиш ҳолатини кузатишди. Натижа шу бўлдики, улар хўжаликнинг ғайратли деҳқонлари тадбиркорлигига қойил қолдилар. Чунки улар ана шу ерда камида 2 тонна қанд лавлаги уруғи олишни мўлжаллашмоқда.

Бундан ташқари хўжаликда картошка, кунгабоқар, маккажўхори, аралаш озуқа экинлари уруғчилиги бўйича олиб борилаётган кенг тармоқли ишларни нафақат вилоят, балки республикамиз, қолаверса, ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам келиб ўрганишяпти.



СУРАТЛАРДА: бригада пудратчиси Зарифа Қаюмова; гўзаларга ишлов бериш; жамоа хўжалик раиси Раҳимжон Расулов, ижарачилар Садриддин Тожибоев ва Муталлиб Қодиров далада.

Турғунбек МАҲКАМОВ (ЎзА) олган суратлар.

ГЎЗАЛЛИККА ОШУФТА ДИЛЛАР

Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазма залида республика тасвирий ва амалий санъат лицейи ўқувчилари Ким Жон Хан ва Аҳмаджон Муҳсиновларнинг шахсий кўргазмаси очилди. Ким Жон Хан асли Жанубий Корея фуқароси бўлиб, бу йил лицейнинг 11-синфини битирди. 8-синф ўқувчиси Аҳмаджон Муҳсинов эса Наманган вилоятининг Уйчи туманидан.

Кўргазманинг очилиш маросимида Жанубий Кореянинг Фавқулодда ва Мухтор элчиси Че Енг Ха, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев, мусаввирлар ва санъат ихлосмандлари иштирок этишди. Ёнг Ха Чей жаноблари Ким Жон Хан ва Аҳмаджон Муҳсиновни дастлабки кўргазмаси очилганлиги билан табриклаб, иқтидорли икки ёш ўз санъати билан Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларининг дўстлигини янада мустаҳкамлаяжакларини таъкидлаб ўтди.

Ким Жон Ханнинг асарларида болаликнинг беғубор олами, гўзаллик ва софликка ошуфта кўнгилларнинг орзу-истаклари намоён бўлади. Унинг «Ниначи» деб номланган суратида гулга қўнган ниначига тикилган қизча ва унинг оёғи остидаги майсалар орасида хаёл сураётган ит тасвирланган. Қизчанинг кўзларидан унинг ўзи хаёлида яратган гўзал оламда яшаётганлиги ва, эҳтимолки, қаршисидаги заррин қанотли ниначидек гуллар аро парвоз этиб юрганлиги акс этиб турарди, гўё. Ким Жон Ханнинг асарларида болаларча беғуборлик билан катта мусаввирларга хос аниқлик мужассамлашиб кетган. Унинг «Соғиниш», «Гуллаш», «Феруза портрети», «Унинг олами» асарлари ва куз манзаралари беихтиёр диққатингизни тортади. «Сукунат» асарини томоша қилатуриб, сукунатнинг овозини тинглагандек бўласиз.

Аҳмаджон Муҳсиновнинг асарларида унинг ўзи яхши биладиган, дилига яқин қадрдон қишлоғининг чизгилари кўпроқ жой олган. Унинг «Бомдод намози», «Ҳинд қизи», «Тунги сайр», «Ойга қараб» суратлари чуқур фалсафий мушоҳадаси билан кишини ҳайратга солади. «Тунги сайр» асарида кун бўйи далада ота-онасига ёрдамлашиб, энди чарчаганидан эшагининг бўйнига эгилганча мудраган кўйи уйига кетаётган бола тасвирланган. Йўлни кесиб ўтган ариқ сувида ойнинг синиқ тасвири жимирлайди.

Болаларнинг ажойиб суратларини томоша қилиб, кўнглим ёришиб кетди. Не ажабки, санъатнинг боқий осмонидаги ёркин юлдузлар орасида яна икки митти юлдузча чақнай бошлабди. Ва, бир куни улар ҳам ўз номига эга бўлган ёркин юлдузга айланиши, шак-шубҳасиздир.

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОРИЖБОП МАҲСУЛОТ

Булунғур вино комбинати кейинги йилларда иқтисодий жиҳатдан анчагина мушкул аҳволга тушиб қолганди. Яқинда корхона очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантирилиб, Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонасига асос солинди. Унга чехиялик ишбилармон Петер Радакович раҳбарлик қила бошлади.

Ҳозир у ерда 256 киши меҳнат қилмоқда. Улардан 50 нафари қўшма корхона ихтиёридаги 236 гектарлик узумзорда ишламоқда.

— Ичимлик сифатини халқаро андозалар даражасига кўтаришимиз лозим, — дейди Петер Радакович. — Бунинг учун вино таркибига қўшиладиган ашёларни хориждан келтирамиз.

Бугунгача 2 миллион АҚШ доллари баҳосидаги янги технологик қурилмалар келтирилди. Эстониядан олиб келинган дастгоҳлар ёрдамида идишни ювишдан тортиб маҳсулотни қадоқлаш, ёрлиқларни ёпиштиришгача бўлган жараёндаги юмушлар узлуксиз бажарилади. Келажакда бу ерда қадоқланадиган шиша идишлар ўрнини пластмасса идишлар эгаллайди. Айни пайтда қўшма корхонада Германия ва Италиядан ичимликлар учун замонавий идишларни тайёрлайдиган цех жиҳозларини келтириш бўйича танишув ишлари олиб борилмоқда.

А. САТТОРОВ,
Самарқанд вилояти.

Республикада тадбиркорликни янада ривожлантиришда амалий ёрдам бериш бўйича аниқ таклифларга эга бўлган, юзага келган масалаларни ҳал этишда **"Асака банк"** ёрдами зарур бўлган барча шахслар ***ҳар куни*** (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) ***соат 10 дан 17 гача***

(371) ***120-62-52***
ишонч телефони орқали
қўнғироқ қилишлари мумкин.

Тошкент ш., Нукус кўч., 67-уй.

1908

Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги раҳбарияти, касаба уюшмаси қўмитаси ва жамоаси Мувофиқлаштириш ва минтақалар билан ўзаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Янишевга онаси

Мунаввара ГАЙНУЛИНАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент шаҳридаги 17-клиник касалхонаси жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси мазкур шифохонанинг реанимация бўлими бошлиғи

Шуҳрат МАЛИКОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси жамоаси «7-автокорхона» акционерлик жамияти бошқаруви раиси

Саидмурод ТОЙРОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.



Мирпўлат МИРЗО

БУ ДУНЁГА АЙТАР СЎЗИМСАН, ҚИЗИМ

(ҚИЗИМ ФЕРУЗАГА)

Ўйласам, мен фақат сени ўйлайман,
Меҳрли юзингга боқиб тўймайман,
Бахтинг дуосини тилдан қўймайман,
Сен — эркамсан, кўрар кўзимсан, қизим!

Бебаҳра бўлмагин дейман иззатдан,
Ранг олсин юрагинг эзгу ибратдан,
Бокира ҳаёдан, ибо-иффатдан
Бу дунёга айтар сўзимсан, қизим!

Турфа қисматлар бор инсон бошида.
Шуълалар ўйнар гоҳ кўзинг ёшида...
Ишонгим келади — ғамлар қошида
Сен ҳеч тўзмайдиган тўзимсан, қизим!

Гарчи биз яшаймиз режалар тузиб,
Ўлим олиб кетар ҳаётдан узиб.
Мен ҳам кетсам бир кун, ер-кўкни бузиб
Ўкраб йиғлайдиган ўзингсан, қизим!

Тенгингни кўрмадим дуру ахтарда,
Бахтинг тилаб ўтгум шому саҳарда.
Нафақат бир умр, ҳатто маҳшарда
Менинг шаъним, ёруғ юзимсан, қизим!

* * *

Сўнмоқда энг сўнгги туғёнлар дилда,
Қисмат савдолари — бошларимизда.
Умрга кузакнинг айёми келди,
Қиров ялтирайди сочларимизда.

Қалбингга қулоқ тут, ғамни унутгил,
Эҳтирос водийсин кезайлик тағин, —
Энтиксин юраклар кўргандек худди
Мезон тонгларида баҳор шафағин.

Бир зум хира тортсин мажҳул армонлар,
Қонда ажиб сурур кўтарсин ялов.
Тағин теграмизда алвон хазонлар
Қизғалдоқлар янглиғ ёнсинлар лов-лов.

Термулгай кўзларинг тағин ўт ила,
То мудом пенидир мен-чун илингинг.
Руҳингнинг қовжироқ чаманларида
Сўнггиси очилгай ўнта гулингнинг!

ГУРУНГ



ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

МЕРОС ВА ЁШЛАР

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси республика хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ўн кун давомида таниқли санъаткорлар, шоирлар, олимлар, радио-телевидение, оммавий ахборот воситалари ходимларидан иборат ижодий гуруҳ билан Наманган, Фарғона, Андижон вилоятлари бўйлаб ижодий сафарда бўлиб қайтди.

Тарихий, миллий меросимизга муносабат бугунги кунда давлат сиёсати мақомига кўтарилди. Чунончи, меросни тиклаш, янги манбаларни излаб топиш, ўрганиш, тадқиқот, тарғибот ишлари давр тақозосидир. Уларни давлат ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ва амалга оширмоқ лозим бўлади.

Биз «Мерос ва ёшлар» ижодий сафаримизни Фарғона водийсидан бошлашимиз бежиз эмас. Улуғ адибимиз Ойбек таъбирича, «Олтин водийнинг» ўзгача меҳнати, ғайрати, шижоати, сабр-сабот, саховати билан ажралиб турган ҳиммати баланд, фидойи одамлари — турли касб эгалари билан дийдорлашиш қанчалар ҳузурбахш! Бундай учрашувларнинг ўзи бир байрам, ўзи бир мактабдирки, ундан китобларда ўқилмаган, жонли ҳаётий сабоқ, ўзгача завқ олади, киши!

Наманган вилояти Уйчи тумани «Ипакчи» ҳиссадорлик жамиятида, «Машад» қишлоқ фуқаролар йиғинида, С. Раҳимов номли 22-ўрта мактабда, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг Муллакудинг қишлоғида, «Ҳамза» кинотеатри биносида ўтказилган йиғилишлар ниҳоятда қизиқарли ўтди.

Улуғ ёзувчилардан бири: «Кишида санъатга чинакамига қизиқиш, уни чуқур тушуниш санъат тўғрисидаги гаплар билан эмас, балки санъатнинг ўзи орқали санъатга ўрганган тақдирдагина пайдо бўлади», — деб айтган.

Дарҳақиқат, ижодий гуруҳимиз мазкур уч вилоятда 20 га яқин учрашувлар ўтказиб, санъат ва адабиётнинг кучи орқали халқ оммасига ҳозирги долзарб вазифаларни тушунтира олди.

Фарғонада бизни Ёзёвон туманида кутиб олишди. Дастлаб Бешариқ тумани аҳолиси билан маданият уйида учрашув ўтказдик. Одамларнинг самимий сўзларидан қувондик. Қўқон ва Фарғона давлат педагогика билим юртлари, Қува қандолат ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятидаги учрашувлар ҳам ниҳоятда мароқли ўтди. Шунингдек, Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманидаги маданият уйида, Бўз туманидаги Саида Зуннунова номли педагогика билим юртида, Андижон шаҳар «Автотрести»да ҳам учрашувлар уюштирилди.

Наманган ва Андижон Давлат университетларида «Санамлар саруари» телетанлови бўлиб ўтди.

Сафар одамлар орасида кўпроқ бўлиш, айниқса, ёшлар билан учрашиб туриш фойдадан холи эмаслигини кўрсатди.

Насиба УСМОНОВА,
Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Маърифат ва тарғибот маркази директори, республика ижодкор аёллар уюшмаси раиси.

Улар «Амир Темур салтанати», «Хуфия қатламлар»», «Истиқлол — маънавият негизи», «Баркамоллик» ва «Имкониятлар мактаби» деб номланган.

КИТОБЛАРИ

Таниқли мозийшунос олим Люсьен Кэрен Францияда «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш француз-ўзбек маданий алоқалари» ассоциациясининг президентидир. У Темурийлар тарихини ўрганиш ва тарғиб қилиш борасидаги ҳамда француз-ўзбек маданий алоқаларини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали хизматлари учун 1996 йили Ўзбекистон Республикасининг «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. Олимнинг «Амир Темур салтанати» романи соҳибқирон бобомиз ҳақида француз китобхонларига кенг ва атрофлича қизиқарли маълумотлар бериши билан алоҳида диққатга сазовор. Ўзбек ўқувчилари мазкур асар билан филология фанлари номзоди Баҳодир Эрматов таржимаси орқали танишадилар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, Марказий Осиё ва Шарқий Туркистон тарихи бўйича мутахассис Ҳамид Зиёевнинг «Истиқлол — маънавият негизи» китоби мустақил Ўзбекистон ҳаётининг турли соҳаларига бағишланган тарихий мавзудаги туркум мақолалардан иборат.

Ўзбекистон мустақиллигини тиклаш учун олиб борилган кураш, янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тузумнинг моҳияти ва йўналиши, социализмнинг даҳшатли оқибатлари, «қулдорлик» давлатининг юзага келиши, мустамлакачилик ва улуғ миллатчилик хусусидаги фикр ва мулоҳазалар ўқувчини бефарқ қолдирмайди, аксинча уни эл-юртни, ватанни севишга, осойишта кунларни қадрлашга чорлайди. Китобда миллий мафкура ва миллий озодлик ҳақидаги маълумотларга ҳам кенг ўрин берилган.

«Хуфия қатламлар» муаллифи ўтмиш ва ҳозирги замон адабиёти, тарихимиз, санъатимиз хусусида изланишлар олиб бораётган олим Шариф Юсупов бўлади. Рус мустамлакаси даврида халқимиз маънавияти, унинг ўтмишида содир бўлган муҳим тарихий воқеалар, Туронзамин алломалари, донишмандлари ва ажойиб фарзандлари фаолияти деярли қийшиқ кўзгуда кўрсатилар, ҳақиқат эса яширилар, топталарди. Она диёримиз мустақилликка эришгач, ўзбек халқини ўз тарихи билан рўй-рост таништиришдек вазифа кун тартибига қўйилди. «Хуфия қатламлар» асосан истиқлол даврининг ҳосиласи бўлиб, китобхонга янги, оҳори тўкилмаган фикрлар улашиш баробарида уларда миллий ифтихор туйғуларини кучайтиришга ҳам кўмаклашади, деб ўйлаймиз.



«МАЪНАВИЯТ»НИНГ ЯНГИ

«Баркамоллик» ўзбек адабиётшунослигининг забардаст вакилларидан бири, профессор Ғулом Каримов (марҳум) қаламига мансуб. Зеро, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги адабиётни унинг тад-қиқотларисиз тасаввур этиш қийин.

Китоб икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми олимнинг ўзбек адабиёти долзарб масалаларини ўрганишга бағишланган мақолаларидан, иккинчи қисми эса замондошларининг Ғ. Каримов ҳақидаги хотираларидан иборат.

Г. ҲУСАНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.
К. УСМОНОВА.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), А. ЖАББОРОВ, С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. ПАК, М. САФАРОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁРОВ, И. ШОҒУЛОМОВ, Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги — 136-37-85
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0548, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁРОВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.30
1 2 3 4 5 6



Замин хилқат ичра бўлганда зоҳир,
Меҳрин аямади буюк мусаввир.
Кўркамлик бобида юртим беқиёс,
Унга даркор эмас, бирор-бир таҳрир.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

БИРЛАШГАН ЎЗАВЕРАР

Тошкент ислом университетининг ташкил этилиши, шубҳасиз, хайрли ишлар сирасига киради.

Бу олий ўқув юртининг ўз олдига қўйган мақсадлари ислом динини чуқур ўрганиш, ёш авлодга унинг бой маънавий ва маданий меросини етказиш ҳамда бу соҳада аҳолининг билим даражасини ошириш, замонавий талабларга жавоб бера оладиган олий маълумотли мутахассислар тайёрлашдан иборатдир.

Тошкент ислом университети жаҳондаги кўзга кўринган ислом илмий тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртлари тажрибасини ўрганиши, улар билан алоқалар ўрнатиши ва жаҳон андозаларига мос равишда ўқув жараёнини ташкил қилиши лозимдир.

Шу мақсадда Роттердам ислом университети фаолияти билан танишиш ва маданий алоқалар ўрнатиш мақсадида Ўзбекистон делегациясининг Голландияга таклиф этилиши ва ташрифи самарали бўлди.

Делегацияни Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори, Тошкент ислом университети маслаҳат кенгаши аъзоси, профессор Неъматулло Иброҳимов бошқарди. Делегацияни Роттердам ислом университети ректори, профессор Дамро қутиб олди. Учрашувлар чоғида Ўзбекистон Республикасининг Миср Араб Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Солиҳ Иноғомов ҳам иштирок этди.

Роттердам ислом университети, «Роттердам ислом университети дўстлари» жамияти, Брюсселнинг «Ислом маркази», Франциянинг Париж миллий шарқ тиллари ва цивилизацияси институтларида бўлиб ўтган суҳбатларда Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда ислом университетининг очилиши оламшумул аҳамиятга молик тарихий воқеа бўлганлиги якдиллик билан эътироф этилди. Бу буюк муҳаддислар, алломалар, машойихлар юрти саналмиш Ўзбекистонда аждодлар анъаналари давом эттирилишига ишонч уйғотиши таъкидланди.

Таъсис этилган ислом университети юртимизда қадимда мавжуд бўлган исломшунослик анъаналарининг янги даврдаги давомчиси сифатида катта аҳамият касб этади. Шу сабабли келажакда Тошкент ислом университетини жаҳон ислом университетлари иттифоқига аъзо қилиш таклиф қилинди.

Сафар давомида Голландиянинг Роттердам ислом университети, Ўзбекистон Республикаси Тошкент ислом университети ва Тошкент давлат шарқшунослик институти ўртасида тадқиқотлар ва таълим соҳаларида ўзаро ҳамкорлик қилиш борасида шартнома имзоланди. Шартномага асосан ҳамкорликда илмий анжуманлар ўтказиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, ўқитувчи, аспирант ва талабаларни стажировкаларга юбориш йўлга қўйилади.

Роттердам, Брюссел ва Париждаги мулоқотларда исломшунос олимлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг одилона сиёсати, илм-фан, маданият, иқтисодни ривожлантириш, янги ўқув юртлари таъсис этилишида олиб бораётган буюк ҳаракатлари ҳақида гапирдилар.

Бир сўз билан айтганда, XXI асрга урушларсиз ва зўравонликсиз, миллатлараро ва динлараро зиддиятларсиз кириб бориш шиори дунёнинг етакчи олий ўқув юртларининг исломшунос олимлари, шу жумладан Аз-Замахшарий, Ал-Бухорий, Ат-Термизий каби буюк аждодларининг давомчилари бўлган Ўзбекистон шарқшуносларининг ҳам эзгу мақсадларидир.

Ғани ҒАФУРОВ.

Шатранж оламида

22 йилдирки, республика телевидениеси орқали шаҳмат мактаби машғулотлари бериб борилмоқда. Шу давр мобайнида қанчадан-қанча ёшлар бу сеҳрли оламга саёҳат қилдилар, ораларидан моҳир усталар етишиб чиқди. Бу мактабнинг ташаббускори ва дастлабки мутасаддиси бўлганимдан фахрланаман.

ТЕЛЕВИЗИОН ТАНЛОВ САМАРАЛАРИ

Айниқса, ўтган йилдан бошлаб «Шоҳрух» мактаби фаолиятида кескин бурилиш ясалди. Телерадиокомпания раҳбарияти тавсияси ва кўмагида машғулотлар шаҳмат воқеалари юз бераётган жойлар, ҳатто маҳаллалар, шаҳар ва туманлардан суҳбатлар, репортажлар, лавҳалар бериб борилмоқда. Бу, қадимий ақл-идрок ўйини — шаҳмат шайдолари фаоллигини ошириб юборди, улардан тилакистаклар битилган мактублар сони кўпайиб кетди. Кўпчиликнинг талабига кўра телерадиокомпания республика шаҳмат федерацияси билан биргаликда шаҳмат композицияларини ечиш бўйича оммавий танлов эълон қилди. Олдингиларидан фарқли ўлароқ, бу танлов мустақил уч босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичи Наврўз байрамига, иккинчи босқичи мустақиллик кунига ва учинчиси Конституция кунига бағишланган.


Танлов Низомига кўра, биринчи босқичдаги 16 топшириқ саккиз ҳафта давомида «Садо» газетаси саҳифалари, кейин «Шоҳруҳ» мактаби машғулотларида мунтазам эълон қилиниб, уларга пешма-пеш жавоб мактублари кела бошлади. Уларнинг сони салкам беш мингтани ташкил этади. 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган танлов иштирокчиларининг аксарияти қишлоқлардан эканлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Бу ҳол республикада жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш тўғрисида ҳукуматимиз қабул қилган қарор талабларига жуда мос тушади. Уларни ўқиб, қилинган ишдан мамнун бўлмасликнинг иложи йўқ.

Танловнинг яна бир ижобий томони шуки, салкам 500 иштирокчи I, II, III спорт разряди талабларини адо этибди! Бунинг учун юзтача турнир ўтказиш керак бўларди.

Дарвоқе, телевизион танлов бошланишида унинг иштирокчилари яна бир гроссмейстрга қарши телематч ўтказиш истагини билдирдилар. Буни ёш гроссмейстеримиз Рустам Қосимжоновга айтганимизда, улкан мусобақаларда ўта бандлигига қарамай, мухлислари билан телематч ўйнашга рози бўлди. Ҳафтада биттадан юриш қилишга келишиб олинди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Шаҳмат федерациясининг фахрий президенти, танлов бош ҳаками, халқаро арбитр.

МАНСУБА



Уч юришда мот.

«О'КЕЙ!»МИ, Ё ПЎПИСА?

Кундалик ҳаётимизда ҳар хил имо-ишораларни қўллаймиз. Бу имо-ишораларнинг кўриниши бир хил бўлса-да, лекин маъноси ҳар хил.

Масалан, бизда бош иргаб маъқуллаш ишораси Болгарияда умуман акси — инкор этиш маъносини англатади. Ёки бош бармоқ билан кўрсатиш бармоғи ёрдамида «О» ҳарфини ясаш АҚШ ва бошқа айрим мамлакатларда «Окей!» ёки «Салом» маъносини билдиради. Худди шундай белги эса Тунисда биров ҳаётига таҳдид қилиш — «Сени ўлдираман!» дегани, Францияда эса «Ҳеч нарсага арзимайдиган иш» маъносини англатади.



Бу ажиб дунё

ЕР НЕГА ҚИМИРЛАЙДИ?

Япония дорилфунунининг профессори Токай Иосифуми Томоданинг таъкидлашича, атмосфера босими паст бўлган пайтда ер қимирлаши содир бўларкан. Профессор 1926 йилдан 1985 йилгача Япониянинг марказий қисмида юз берган табиий офатлар сирини чуқур ўрганиб, таҳлил қиларкан, шундай хулосага келди.

Токай олиб борган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу ерда асосан йилнинг март ва май ойларида ер кўп қимирлаган. Бу пайтда атмосфера босими белгиланган кўрсаткичдан сезиларли даражада паст бўлган.